



## MANUSCRIPTS AND PRINTED COPIES OF THE WORK "UŞÛL AL-SHĀSHĪ", THEIR IMPORTANCE TODAY

**Abdulahid Ahmadaliev**

The Muslim Board of Uzbekistan Specialist of the Fatwa Center

Teacher of Tashkent Islamic Institute

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10948762>

### ARTICLE INFO

Received: 03<sup>rd</sup> April 2024

Accepted: 08<sup>th</sup> April 2024

Online: 09<sup>th</sup> April 2024

### KEYWORDS

*Uşul al-fiqh science, Nizām ad-Dīn al-Shāshī, Uşul al-Shāshī, manuscript, lithograph, Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan.*

### ABSTRACT

*This article describes the history of Nizām ad-Dīn al-Shāshī's "Uşul al-Shāshī", its oldest manuscript and lithographic copies, as well as a detailed description of the work and its components, as well as a commentary, margin, and taliq written on it. This book, which is considered a comprehensive work written in the field of uşul al-fiqh, is distinguished by the fact that it has not lost its importance until our time. In the work, not only the areas related to uşul al-fiqh, but also the grammar and phonetics of the Arabic language are covered in detail.*

## "УСУЛ АШ-ШОШИЙ" АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМА ВА БОСМА НУСХАЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ

**Абдувоҳид Аҳмадалиев**

ЎМИ Фатво маркази мутахассиси,

Тошкент Ислом Институти ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10948762>

### ARTICLE INFO

Received: 03<sup>rd</sup> April 2024

Accepted: 08<sup>th</sup> April 2024

Online: 09<sup>th</sup> April 2024

### KEYWORDS

*Усул ал-фиқҳ илми, Низомиддин аш-Шоший, Усул аш-Шоший, қўлёзма, тошбосма, ЎЗФАШИ.*

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада Низомиддин аш-Шошийнинг "Усул аш-Шоший" асарининг ёзилиш тарихи, унинг энг қадимги қўлёзма ва тошбосма нусхалари ва унга ёзилган шарҳ, ҳошия, таълиқлар билан бир қаторда асарнинг батафсил тавсифи ҳамда унинг таркибий қисми ёритилгандир. Усул ал-фиқҳ соҳасида ёзилган жамловчи асар ҳисобланган ушбу китоб замонамизга қадар ўз аҳамиятини ёқотмагани билан ажралиб туради. Асарда нафақат усул ал-фиқҳга доир соҳалар, балки араб тили грамматикаси ҳамда фонетикаси батафсил ёритиб берилган.*

Маълумки, ҳар бир таърихий манба ва асарни ўрганишда мазкур манба ва асарларнинг қўлёзма ва босма нусхалари муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, юртимиз ва хориждаги бир қанча кутубхоналарда ҳанафий усул ал-фиқҳига



доир "Усул аш-Шоший" асарининг бир нечта қўлёзма ва босма нусхалари сақланмоқда. Аммо тадқиқотчилар орасида бу борада ҳам қатор ноаниқликларни учратиш мумкин. Жумладан, тадқиқотчи Аширбек Мўминов ўз тадқиқотида Ўзбекистон республикасида "Усул аш-Шоший" асарининг қўлёзма нусхалари иккита бўлиб, улардан бири ЎЗФАШИ қўлёзмалар фонди, иккинчиси эса, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётгани ҳақида ёзади<sup>1</sup>. Хорижлик тадқиқотчилардан Муҳаммад Акрам ан-Надвий "Усул аш-Шоший" асарининг танқидий матнига ёзган муқаддима қисмида шундай ёзади:

"Ўзбекистон Республикаси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти фондида асарнинг учта қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, улар №6638, №4944 ва №8866 рақамлари остида сақланмоқда"<sup>2</sup>.

Тадқиқот натижалари эса, қўлёзмалар сони аслида мазкур рақамлар билан чекланиб қолмаслигини билдиради.

Чунки, тадқиқот жараёнида ЎЗФАШИ қўлёзмалар фондида асарнинг бешта қўлёзма нусхаси мавжуд эканлиги аниқланди<sup>3</sup>.

Улар сафига Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган ягона қўлёзмани қўшадиган бўлсак, юртимизда ҳозиргача аниқланган "Усул аш-Шоший" нинг қўлёзма нусхалари олтига эканлиги маълум бўлади.

Хорижий мамлакатлар ҳақида гап кетганда эса, тадқиқотларда асосан унинг Ҳиндистон ва Мисрда мавжуд нусхалари борасида маълумот берилади<sup>4</sup>.

Аммо, тадқиқот жараёнида мазкур икки давлатдан ташқари асарнинг қўлёзма нусхаларидан бири ҳатто Япония пойтахти Токиода ҳам мавжудлиги аниқланди<sup>5</sup>.

Шунингдек асарнинг қўлёзма нусхаларини бир қанча кишиларнинг шахсий кутубхоналарида ҳам учратиш мумкин. Масалан: асарга 2001 йида "Аш-Шофий ала усул аш-Шоший" "الشافى على أصول الشافى" номли шарҳ ёзган Димашқлик тадқиқотчи Валий ад-дин ибн Муҳаммад Солиҳ ал-Фарфур мазкур шарҳига битган муқаддима қисмида "Усул аш-Шоший" нинг 879/1475-йилда Бухорода котиб Саййид Хўжа Аҳмад томонидан ёзилган қўлёзма нусхаси унинг шахсий кутубхонасида сақланаётгани ҳамда у ушбу шарҳни ёзиш жараёнида айнан мазкур қўлёзмага таяниб ёзганлигини таъкидлайди<sup>6</sup>.

Унинг тошбосма нусхалари ҳақида юқоридаги тадқиқотлар сукут сақлайдилар. ЎЗФАШИ қўлёзмалар фондида асарнинг олтига тошбосма нусхаси мавжуд бўлиб, улар

<sup>1</sup> Мўминов А.К. Роль и место ханафитских 'улама' в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII вв.)// док. диссер. – Т.: ТИУ, 2003. – Б. 66.

<sup>2</sup> Низом ад-дин аш-Шоший. Усул аш-Шоший. Муҳаммад Акрам таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-ғарб ал-исломий, 2000. – Б.11.

<sup>3</sup> ЎЗФАШИ қўлёзмалар фондидаги "Усул аш-Шоший"нинг қўлёзма нусхалари: №3287, №8866, №6638, №4944, №10258.

<sup>4</sup> "Усул аш-Шоший"нинг Худобахш нусхаси.-<http://kblibrary.nic.in/Vol19.htm>

<sup>5</sup> [http://ricasdb.ioc.utokyo.ac.jp/daiber/daiber\\_contents\\_ms10.html](http://ricasdb.ioc.utokyo.ac.jp/daiber/daiber_contents_ms10.html) -Б. 2

<sup>6</sup> Ал-Фарфур.Б.8-10.



XIX аср охири ва XX аср бошида Ҳиндистонда чоп этилган<sup>7</sup>. Аммо асар кейинчалик Ҳиндистондан ташқари Покистон ва Ливан давлатларида ҳам бир неча бор нашр этилган<sup>8</sup>.

Мазкур тадқиқот жараёнида Миср араб республикаси пойтахти Қоҳира шаҳридаги бир нечта давлат ва нодавлат кутубхоналарида ҳам асарнинг XIX-XX асрларда турли давлатларда нашр этилган нусхалари билан яқиндан танишиб, улар ҳақида батафсил маълумот олишга муваффақ бўлинди. Жумладан, Қоҳирадаги энг қадимий кутубхоналардан бири саналмиш "Мактабат ал-Азҳар аш-Шариф" "مكتبة الأزهر الشريف" яъни Азҳари шариф кутубхонасида асарнинг учта тошбосма нусхаси ҳамда унга битилган "Фусул ал-ҳавоший 'ала Усул аш-Шоший" "فصول الحواشي علي أصول الشاشي" деб номланган шарҳнинг ҳам уч нусхаси мавжуд бўлиб, улар: № 17796, № 8317, № 33077, № 7521, № 17797, № 46104 рақамлари остида сақланмоқда.

Шунингдек, нодавлат кутубхоналаридан "Мактабат 'Абдуллоҳ Солиҳ Комил" "مكتبة عبد الله صالح كامل" номли кутубхонада ҳам асарнинг 1982 йил Байрутда чиққан нусхаси мавжуд бўлиб, ушбу китоб ўша вақтда Ливандаги Азҳар дорул-фунуни мудирини бўлиб ишлаган Шайх Халил ал-Маййис таҳрири остида "Дор ал-китоб ал-арабий" босмахонасида чиққан ва ушбу нусхада асар муаллифи қилиб Абу Али аш-Шоший (ваф. 344/955 й.) кўрсатилган.

Юқорида номи зикр этилган "Мактабат ал-Азҳар аш-Шариф" кутубхонаси фихристларида ҳам асар муаллифи гоҳида Исҳоқ ибн Иброҳим, гоҳида эса, Абу 'Али аш-Шоший дея нотўғри зикр этилган. Бу эса, мазкур асар устида ҳанузгача мукамал тадқиқот олиб борилмаганлигини яна бир бор таъкидлайди. Асарнинг турли даврларда чоп этилган нашрлари орасидаги ўзаро ихтилофларга илмий ечим бериш мақсадида XXI асрга келиб тадқиқотчилардан баъзилари ушбу асарнинг бир нечта қўлёзма нусхаларини бир-бирига қиёслаган ҳолларида унинг танқидий матнини тузишга киришдилар.

Ана шундай тадқиқотчилардан бири асли Ҳиндистонлик ҳозирда Оксфорд ислом тадқиқотлар марказида фаолият олиб боровчи Муҳаммад Акрам ан-Надвийдир.

У Ҳиндистондаги Шиблий ан-Нуъманий номли кутубхона хазинасида №2875 ва №8913 ҳамда ЎЗФАШИ қўлёзмалар фондида №8866 рақамлари билан сақланаётган асарнинг қўлёзма нусхаларига асосланган ҳолда танқидий матн яратди ва 2000-йили Байрутдаги "Дор ал-ғарб ал-исломий" матбаъсида нашр қилдирди<sup>9</sup>.

Суриялик араб тадқиқотчи Валий ад-дин ал-Фарфур ҳам юқорида зикр қилинган, ўзининг шахсий кутубхонасидан ўрин олган асарнинг муаллиф даврига яқин бўлган энг қадимий қўлёзмаларидан бири бўлмиш, Бухорода 879/1474 йили Саййид Хўжа Аҳмад

<sup>7</sup> "Усул уш-Шоший"нинг тошбосма нусхалари: №11292, №11336, №11422, №11423, №12705, №11103.

<sup>8</sup> Низом ад-дин аш-Шоший. "Усул уш-Шоший". Карачи. Мир Муҳаммад кутубхона. Нашр санаси кўрсатилмаган тах. XX-аср охири; Усул уш-шоший. Байрут 1982. дор ал-китоб-ал-арабий.

<sup>9</sup> Низом ад-дин аш-Шоший. Усул аш-Шоший. // Муҳаммад Акрам таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-ғарб ал-исломий, 2000.



исми котиб томонидан ёзилган нусхасига таяниб асар матнини қайтадан тузишга муваффақ бўлди ва мазкур матнга шарҳ ҳам битиб, унга "аш-Шофий 'ала Усул аш-Шоший" "الشافى على أصول الشاشى" деб ном қўйди<sup>10</sup>.

Албатта мазкур маълумотлар "Усул аш-Шоший" китобига бўлган қизиқиш ушбу асар ёзилган даврнинг ўзидан бошлаб то ҳозирги кунга қадар жадал суратда давом этиб келганини кўрсатади. Асар қўлёзмаларининг кўп қисми ва муаллиф даврига яқин бўлганлари Низомиддин аш-Шошийнинг она шаҳри бўлмиш Шош (ҳоз. Тошкент) да мавжудлиги мазкур асар тарихда *усул ал-фиқҳ* илмини ўрганишда қанчалик муҳим аҳамият касб этганлигини билдирса, хорижий мамлакатларда сақланаётган асарнинг қўлёзма ва босма нусхалари ҳамда унга битилган шарҳ ва ҳошияларнинг ҳам асосан хорижда ёзилиб, ушбу ишнинг бугунги кунга қадар давом этаётгани ҳозирги кунда *усул ал-фиқҳ* бўйича юзлаб асарлар ёзилганлигига қарамасдан ушбу асарга бўлган эҳтиёж янада ортиб бораётгани ифодасидир.

## References:

1. Муминов А.К. Роль и место ханафитских 'улама' в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII вв.)// док. диссер. — Т.: ТИУ, 2003. — Б. 66.
2. Низом ад-дин аш-Шоший. Усул аш-Шоший. Муҳаммад Акрам таҳрири остида. — Байрут: Дор ал-ғарб ал-исломий, 2000. — Б.11.
3. ЎЗФАШИ қўлёзмалар фондидаги "Усул уш-Шоший"нинг қўлёзма нусхалари: №3287, №8866, №6638, №4944, №10258.
4. "Усул уш-Шоший"нинг Худобахш нусхаси.-<http://kblibrary.nic.in/Vol19.htm>
5. [http://ricasdb.ioc.utokyo.ac.jp/daiber/daiber\\_contents\\_ms10.html](http://ricasdb.ioc.utokyo.ac.jp/daiber/daiber_contents_ms10.html) -Б. 2
6. Ал-Фарфур.Б.8-10.
7. "Усул уш-Шоший"нинг тошбосма нусхалари: №11292, №11336, №11422, №11423, №12705, №11103.
8. Низом ад-дин аш-Шоший. "Усул уш-Шоший". Карачи. Мир Муҳаммад кутубхона. Нашр санаси кўрсатилмаган тах. XX-аср охири; Усул уш-шоший.Байрут 1982. дор ал-китоб-ал-арабий.
9. Низом ад-дин аш-Шоший. Усул аш-Шоший. // Муҳаммад Акрам таҳрири остида. — Байрут: Дор ал-ғарб ал-исломий, 2000.

<sup>10</sup> ал-Фарфур. — 2001.